Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

5 март, сешанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 46 (1299)

*Ислом КАРИМОВ:*

# «ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗНИНГ ТЎҒРИЛИГИГА ИШОНЧИМИЗ КОМИЛ»

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

***Президент Ислом Каримов яқинда бир гуруҳ Россия оммавий ахборот воситалари мухбирларини қабул қилиб, уларга Ўзбекистонниг ўзига хос тараққиёт йўли, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти, республикада демократиялаштириш жараёнининг хусусиятлари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.***

***Ўзаро ишонч, ошкоралик руҳида ўтган мазкур мулоқот Ўзбекистон телевидениесц орқали намойиш этилди ва кўпчиликда жуда катта қизиқиш уйғотди.***

***Қуйида ана шу суҳбат матни эълон қилинмоқда.***

**И. КАРИМОВ:** Сизларни бу ерда қутлар эканман, республикамиз ҳаёти билан яқиндан танишиш ҳамда, умид қиламанки, Ўзбекистондаги вазият ва юз бераётган жараёнларни холисона баҳолаш мақсадида юртимизга ташриф буюриш имконини топганларингиз учун миннатдорлик билдиришни истар эдим. Сизларнинг республикамизнинг бир қанча шаҳар ва туманларида, давлат тузилмалари ва давлат тасаруфидан ташқаридаги тузилмаларда бўлганингиз, энг муҳими — Ўзбекистоннинг турли миллатга мансуб фуқаролари билан учрашганингиздан хабарим бор. Ўйлайманки, бу борада маълум таассуротлар, фикр ва хулосаларга эга бўлгансизлар. Президент билан учрашувга кескин саволлар ҳам тайёрлаб қўйган бўлишингиз керак. Мен барча саволларингизга жавоб беришга тайёрман. Ишончим комилки, суҳбатимиз қандай кечмасин, бу суҳбат ҳам, сизларнинг Ўзбекистонга сафарингиз ҳам давлатларимиз ва халқларимиз ўртасида бир-биримизни янада яхши англашга хизмат қилади.

**Залдан овоз: Аввало, бизни қабул қилишга вақт топганингиз учун миннатдорлик билдиришни истар эдик. Ўзбекистондан олган таассуротлар ҳақида гап кетар экан, шуни таъкидлаш лозимки, бу таассуротларнинг энг асосийси — бизнинг юртингизга сафаримиз бўлади. Бу сафар Ўзбекистон ўз раҳбари тимсолида такрор-такрор баён қилган очиқлик ва демократия тамойилларига содиқ эканидан далолат беради. Бу очиқлик ва демократия матбуот билан ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий омили ҳисобланади. Раҳмат!**

**И. КАРИМОВ:** Самимий фикрларингиз учун сизга ҳам раҳмат. Мен ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон барча учун очиқ эканини яна бир марта такрорламоқчиман. Бизда ёпиқ зоналар ёки мавзулар йўқ. Ўзбекистонда иқтисодиёт соҳасидагина эмас, сиёсий ҳаётда ҳам амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий тамойилларидан бири — мафкурадан холиликдир. Бошқача қилиб айтганда, биз учун кимнинг қайси лагерга, қайси тузилма ёки сиёсий тизимга мансуб эканининг мутлақо аҳамияти йўқ. Биз беш йилдан бери шу ақидага амал қилиб келамиз, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Ҳеч қандай мафкуравий андиша бизнинг алоқаларимизга, жаҳондаги барча мамлакатлар билан қилаётган ҳамкорлигимизга халақит беролмайди. Биз жаҳон иқтисодиётига қўшилишга ҳаракат қилмоқдамиз. Буни ҳеч кимдан беркитмаймиз ҳам.

Ўзаро муносабатларимиз ёки оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигимиз хусусида гапирадиган бўлсак, шуни қайд этишим керак: ҳа, биз ёпиқ зона деб ҳисобланган, назаримизда биз тўғримизда нохолис гаплар айтилган ва ёзилган пайтлар ҳам бўлган эди. Бироқ, бунда ўзимизнинг ҳам айбимиз бор, деб ҳисоблаймиз — чунки, Ўзбекистонда юз бераётган воқеа ва жараёнларни албатта ўз позицияларидан ҳамда турли нуқтаи назарлардан ёритиши мумкин бўлган оммавий ахборот воситалари билан ўша вақтларда етарли даражада алоқа ўрнатилмаган эди. Эҳтимол, бу сизларнинг матбуотингизни ўқийдиган кишиларнинг бизнинг ҳаётимиз ҳақида тўғри хулоса чиқаришига имкон берадиган фикрлар майдонини пайдо қилган бўлур эди. Кимдир биз тўғримизда ёмон фикр билдирадиган бўлса, бунга ҳам хотиржамлик билан қараш ҳамда ҳар қандай фикрни умумий фиклар мажмуининг бир бўлаги деб ҳисоблаб, бундан керакли хулосалар чиқариш лозим. Бу ана шу тариқа умумий фикр вужудга келиши, энг самарали хулосалар пайдо бўлиши учун ҳам зарурдир.

**Савол: Мамлакатингиздаги ички сиёсий вазият хусусида қисқача гапириб берсангиз. Мен турли партияларнинг ҳокимият расмий органлари билан ўзаро муносабатларини, мухолифатнинг мавжудлигини назарда тутяпман.**

**Жавоб:** Ички сиёсий вазият тўғрисида гапириладиган бўлса, энг аввало республикада амалга оширилаётган, жамиятимизни, ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш билан бевосита боғлиқ бўлган ислоҳотлар ҳақида тўхталишим керак.

Назаримда, сизларнинг кўп нарсадан хабарларингиз бор — Олий Мажлисда, бошқа тузилмаларда Ўзбекистондаги турли ҳаракат ва партиялар вакиллари билан учрашгансизлар. Улар сизларнинг саволларингизга жавоб берган, сизларда ҳам маълум даражада умумий тасаввур ҳосил бўлган, деб ўйлайман.

Бугунги кунда демократия ҳақида айниқса собиқ шўролар ҳудудида жуда кўп гапирилади. Ким қаёққа, қандай қилиб юриши кераклиги, демократияни қандай тушуниш лозимлиги ҳақида жуда кўп турли-туман фикрлар баён қилинган. Назаримда, дастлабки сархушлик пайти ўтиб, эҳтирослар бироз пасайган бугунги кунда ҳар ким ўз давлатида демократияни ўзича қуриши аён бўлиб қолди. Яъни, мен демократия шубҳасиз барча учун умумий талаб ва принципларга эга бўлгани билан айни пайтда ҳар бир муайян мамлакатда демократик янгиланишлар халқ руҳиятини, тарих ва анъаналарни, фақатгина шу жамиятга, шу халққа хос бўлган жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозимлигини назарда тутяпман.

Шунинг учун ҳам, бевосита Ўзбекистонда жамият ҳаётини демократлаштириш хусусида гапирар эканман, мен энг аввало барча учун умумий, энг муҳим унсур бўлган сайланиш, охир-оқибатда демократик фуқаролар жамиятини шакллантирадиган принципларга риоя қилишни таъкидлаб ўтишни истар эдим. Ҳа, айрим бошқа давлатлардагидан фарқли ўлароқ, бизда дастлаб собиқ шўролар ҳудудида расм бўлган кўп партиявийлик йўқ эди. Бироқ янги партиялар тузилди, ҳозир ҳам тузиляпти. Бугунги кунда Ўзбекистонда қанча партия бор, Олий Мажлис — Ўзбекистон парламентида қайси партиялар иштирок этмоқда — булардан хабардорсиз. Уларнинг фаолияти, жамият ҳаётидаги иштироки, уларнинг дастур ва пирнциплари ҳам сизларга маълум.

Шуни рўй-рост айтишим лозимки, бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган партияларнинг барчаси ҳали оёққа туриш жараёнини бошдан кечирмоқда. Бу табиий ҳол. Чунки, агар жаҳон тарихини олиб қарайдиган бўлсак, ривожланган давлатлардаги бугунги кунда маълум тарихга, салмоққа эга, давлат ва жамият ҳаётига таъсир ўтказа оладиган барча партияларнинг салоҳияти бирданига шаклланиб қолмагани — улар жуда кўп синов ва хатолар, парвоз ва инқирозларни бошидан кечирганини кўриш қийин эмас. Кўплаб йиллар давомида демократик давлатлардаги кучли партиялар мазкур жамият билан мутаносиб равишда ривожланган, тажриба орттирган, куч тўплаган. Бунинг устига, энг ривожланган демократик давлатлар — Америка Қўшма Штатлари, Франция, Буюк Британия ёки Германияни олиб қарайдиган бўлсак, у ерларда партиялар унчалик кўп эмас. Бу ҳам фуқаролар жамиятининг етуклигидан далолатдир.

Фикримизча, бугунги кундаги партиялар шунчаки партия тузиш учунгина тузилмаслиги, бу шунчаки одатта айланмаслиги керак. Ҳар бир партия ўз қиёфасига, жамиятнинг ўзи суянадиган қатламлари манфаатларини ифода қилувчи аниқ дастурига эга бўлиши лозим. У, ҳозир таомилда бўлганидек, ўзининг маълум ва доимий сайловчиларига ҳам эга бўлиши лозим. Айни пайтда ҳар бир партия обрў-эътибор орттиришга интилиши, кўпроқ ишонч қозонишга, бинобарин, қонун чиқарувчи ва вакиллик органларида, кейинчалик эса ҳокимиятнинг ижрочи органларида ҳам кўпроқ ўрин олишга ҳаракат қилмоғи даркор. Халққа сайлов олди мавсумида эълон қилган дастурининг энг тўғри эканини, мамлакат интилаётган мақсад, фаровон ҳаётга айнан мана шу дастур орқали эришиш мумкинлигини исбот қилган ҳолда, уни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиши лозим.

Ўзбекистондаги партияларнинг шаклланиш жараёнини, биз табиий равишда, ислоҳотлар билан, туб демократик ўзгаришлар йўлидан бораётган жамиятнинг аниқ талаблари билан уйғунликда кўрамиз.

Олий Мажлиснинг охирги сессиясида сўзлаган нутқимда, менинг назаримда энг долзарб бўлган муаммолардан бири — мулкдорлар синфини вужудга келтириш масаласига тўхталган эдим. Моҳиятан, бу масала биз ислоҳотлар жараёнида ҳал қилишимиз керак бўлган вазифадир. Агар Ўзбекистонда мулкдорлар — нафақат йирик хусусий мулк эгалари, балки, ҳиссадорлик, жамоа шаклидаги мулкка шерик ва шу мулк орқали ўзларининг фаровонлигини оширишни тушуниб етадиган кишилар пайдо бўлсагина биз жамиятнинг барқарорлигига эришамиз. Шундагина барча демократик институтлар пайдо бўлади ва мустаҳкамланади, ҳар бир мулкдор ўз манфаатини ҳимоя қилар экан, айни пайтда ўз давлатининг манфаатларини ҳам ҳимоя қилади. Биз бугун мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар айнан шу йўналиш сари юзланишини истар эдик. Мулкдорлар синфининг кучайиши натижасида янги партиялар вужудга келиши, ўйлаб топилган эмас, балки, ҳаётий зарурат туфайли туғилган ҳаракатлар пайдо бўлиши аниқ. Улар саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва инсоният фаолиятига хос бошқа соҳалардаги хусусий мулк эгалари манфаатини ифода этади. Айнан шу партиялар, шу ҳаракатлар яшовчанлик ва барқарорлик касб этади, зеро, уларни юзага келтирган ижтимоий қатламларнинг ўзи яшовчан ва барқарор бўлади.

Яқин ўтмишдаги жамиятимизга хос энг машъум кўриниш — люмпенлашув — мулкий қиёфасини йўқотиш эди. Менинг назаримда, мазкур термин ва салбий кўриниш бугун собиқ шўро ҳудудидаги барча мамлакатларга ҳам тегишлидир. Люмпенлашув инсоннинг реал ҳаётий асосни ташкил этувчи барча нарсалардан маҳрумлигидир. Агарда инсонда ана шу боғлиқлик йўқ экан, унда масъулият ҳам, умрининг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланиб нимагадир эришиш, фарзандлари, оиласи, қариндош-уруғларига қолдирадиган бирор-бир нарсани қўлга киритишга интилиш ҳам бўлмайди.

Биз мазкур масалаларга, худди шунингдек, бугунги кунда юзага келаётган сиёсий партиялар ва ҳаракатларга, умуман, Ўзбекистонда сиёсий ҳаётнинг шаклланиш жараёнига катта аҳамият бермоқдамиз.

Биз бу йўлдаги тажрибамизни янада бойитишимиз керак. Бу борада Россияда юз бераётган воқеалар эса бизга тўғри келмайди. Эҳтимол, бу ҳам жамият бошдан кечириши керак бўлган бир даврдир. Бироқ, парламентдан жой олиш учун ўзаро курашадиган 43 та блок тузиш — бу бир ўйин-ку. Уларни бир-бирмдан партиявий дастури эмас, йўлбошчилари орқали фарқлаш мумкин, холос. Ахир шу ҳам сиёсий курашми? Ахир шулар ҳам сиёсий партиялардами? Буларни сиёсий оқимлар,дейиш мумкинми? Қечирасизлару, шундай тизимда жамиятни демократиялаштириш ҳақида гапириш мумкинми? Қолаверса, ҳали Президент сайловида ҳам шундай ҳол юз бериши — кўнглида, кечирасизлар-у, сохта обрўга интилишдан ўзга истаги йўқ ўнлаб номзодлар пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Демоқчиманки, бундай тизимнинг ўзи сиёсий кураш, сиёсий ҳаётнинг оддий кишилар ҳам тушунадиган амалий хусусиятга эга бўлиши учун жиддий замин ҳозирламайди.

**Савол: Жаноб Президент, Сиздан — аҳолиси асосан мусулмонлардан иборат ва йирик маърифий мамлакатлардан бирининг раҳбаридан шуни сўрамоқчи эдим: Сиз Ўзбекистоннинг Ғарб цивилизацияси билан ислом дунёси ўртасида кўприк вазифасини бажаришини тасаввур қила оласизми? Мана шундай истиқбол ҳақида гапириш мумкинми?**

**Жавоб:** Сиз ислом дунёси ҳақида гапираётганингизда, менда дарҳол бир савол туғилди: ислом дунёси нимани англатади? Демак биз «католиклар дунёси», «христианлар дунёси» дейишимиз керак экан-да? Бугун собиқ шўро ҳудудида гоҳ славянлар иттифоқи, гоҳ Марказий Осиё минтақаси ҳақида гапириш русум бўлган... турли нарсаларни аралаштириш керак эмас. Славянлар иттифоқи — бу алоҳида тушунча. Марказий Осиё давлатлари ҳудудий яқинлигидан келиб чиқиб, ўзларининг иқтисодий ҳамкорлигини мувофиқлаштириш йўлида ҳаракат қилмоқда. Булар бутқул бошқа-бошқа нарсалар.

Шу боис, қачонки «Ислом дунёси», «Ислом цивилизацияси», «Ислом қадриятлари» ҳақида сўз борар экан, мен мазкур қадриятларни қандайдир сиёсий мақсадга хизмат қилувчи қадриятлар деб эмас, балки умуминсоний цивилизациянинг бойлиги, дея тушунаман. Шуни ҳам айтиш керакки, Франция, Германия, Буюк Британия ҳуқуқшунослари, ЕХҲТ ва бошқа Европа тузилмалари томонидан жуда жиддий таҳлил қилинган Ўзбекистон Конституциясида давлат билан дин аниқ-равшан ажратиб қўйилган.

Дарҳақиқат, аҳолимизнинг тахминан 80 фоизи мусулмонлардир. Биз аввал бошданоқ қандай оқимлар юзага келиши мумкинлигини тушуниб етдик ва ўшандаёқ аниқ, динни давлатдан ажратувчи, сиёсатни, давлат ҳаётининг йўналишини диний ғоялар эмас, халқ маъқуллаган Конституция белгилаб берувчи йўлдан собит боришимизни айтган эдик. Бу ўз-ўзидан демократик давлатнинг белгисини ташкил этади. Ислом давлатларида эса Конституция йўқ. Ислом давлатида энг асосийси — шариат талабидир. Қуръоннинг асосий талабларини акс эттирувчи шариатни афсуски, ҳар бир мамлакат ўзича шарҳлайди. Мазкур шарҳдан келиб чиқиб ҳар бир давлат маълум бир қиёфага эга бўлади.

Ҳамонки, сиз Ўзбекистон ислом дунёси билан яна қандайдир дунё ўртасида кўприк бўла оладими, дея савол берган экансиз, очиқ айтаман: биз ҳеч қачон кимлар учундир қандайдир кўприк бўла олмаймиз ва бўлмоқчи ҳам эмасмиз. Биз олдимизга қўйган аниқ режалар ва эркин истиқбол билан жаҳон иқтисодиёти, жаҳон циви-

(Давоми 2-бетда).

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолини ва халқ хўжалиги объектларини табиий офатлардан муҳофаза қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш, республикада табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, аҳоли ҳаёти ва саломатлигини, моддий ва маънавий қадриятларни муҳофаза қилиш, шунингдек тинчлик ва ҳарбий даврда фавқулодда вазиятлар вужудга келганда уларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда зарарларини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай ҳоллардаги ҳаракатларни бошқаришнинг давлат тизими (ФВДТ)ни ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш;

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликларнинг аҳолини ва миллий бойликларни муҳофаза қилиш, авариялар, ҳалокатлар ва табиий офатлар туфайли вужудга келган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга доир фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

фавқулодда вазиятларни бартарф этишга, аҳолини, мамлакат ҳудудини муҳофаза қилишга ҳамда улар вужудга келган тақдирда халқ хўжалиги объектлари фаолиятининг барқарорлигини оширишга, шунингдек аҳолини, мансабдор шахсларни ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай ҳоллардаги ҳаракатларни бошқаришнинг давлат тизими тузилмаларини тайёрлашга қаратилган мақсадли ва илмий-техник дастурларни ишлаб чиқишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш учун молия, озиқ-овқат, тиббиёт ва моддий-техника ресурсларининг давлат фақулодда заҳира фондларини ташкил этишга доир ишларни мувофиқлаштириб бориш;

вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро ҳамкорликни ташкил этиш.

3. Аҳолини ва халқ хўжалиги объектларини муҳофаза этишни таъминлашга раҳбарлик қилиш;

Ўзбекистон Республикасида — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — фавқулодда вазиятлар вазирига;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига ва тегишли ҳудудларнинг ҳокимларига;

вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда — вазирларга, давлат қўмиталари ва уюшмалар бошқарувлари раисларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг директорлари ва бошлиқларига юклансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мавжуд фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар ҳудудий органлари негизида фавқулодда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари)ни ташкил этсинлар.

Ушбу банднинг бажарилиши тўғрисида 1996 йилнинг 15 апрелигача ахборот берсинлар.

5. Белгилаб қўйилсинки:

фавқулодда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари) Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг таркибий бўлинмалари ҳисобланади ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг бошқармалари (бўлимлари) ҳуқуқида ишлайди;

фавқулодда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари лавозимига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, тегишли ҳудудлар ҳокимлари — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар фуқаро муҳофазаси бошлиқларининг ўринбосарлари ҳисобланадилар;

фавқулодда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири томонидан лавозимга тайинланадилар.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини бажариш вазирликлар, идоралар, уюшмалар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида бир ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 4 март.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ И. Ҳ. ЖЎРАБЕКОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Ҳакимович Жўрабеков Ўзбекистон Республикасининг фавқулодда вазиятлар вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 4 март.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

### Р. А. ГИНИЯТУЛЛИННИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Рим Абдулович Гиниятуллин Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазири вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳари,
1996 йил 4 март.

# «ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗНИНГ ТЎҒРИЛИГИГА ИШОНЧИМИЗ КОМИЛ»

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

лизациясига мувофиқлашишни истаймиз. Халқимиз маънавияти, миллий хусусиятлари, анъаналари эса давлатимиз келажагини барпо этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Булар умуминсоний тараққиётга ҳамоҳанг бўлган халқимиз тарихи ва маданияти билан боғлиқдир. «Ислом цивилизацияси» деган тушунча ва диний ҳам миллий рангга бўялган бошқа-чароқ тушунчалар эса қандайдир хавф туғдирадигандек, бизни эҳтиёкорликка чорлайди.

Бугунги кунда дунёда ислом хавфи тўғрисида кўп гаприлмоқда. Бироқ, бу ерда масалага адолат билан ёндашиб, оқ-қорани ажрата билиш лозим. Чунки, ислом дунёси жуда мураккаб. Атрофимизда рўй бераётган воқеалар, жумладан, Афғонистон, Тожикистон воқеалари бу ҳақда чуқурроқ ўйлашга мажбур этади. Ислом дунёсини тор маънода тушунмаслик ва у ҳақда бир томонлама хулоса чиқармаслик керак. У шундай мураккаб дунёки, ўзига ниҳоятда жиддий диққат-эътибор беришни, ақлу заковат билан муносабатда бўлишни талаб этади. Унга сиртдан, енгил-елпи қараш жуда хавфли.

**Савол: Ўзбекистон кўп миллатли давлат, қадимдан бу заминда турли миллатлар яшаб келади. Шунингдек, руслар ёки бугунги ибора билан айтганда, рус тилида гаплашувчилар ҳам анчагина. Кейинги пайтларда кўпгина Россия оммавий ахборот воситалари саҳифаларида бу ерда рўй бераётган воқеалар тўғрисида турли хабарлар эълон қилинмоқда. Миллатига қараб ишдан бўшатиш, газеталарнинг ёпиб қўйилиши... каби ҳуқуқни чеклаш ҳодисалари ҳақида ҳам гапирилмоқда. Буни сиз қандай баҳолайсиз? Уларнинг давлат қурилишида, республика ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида тутган ўрни, Россия билан алоқалари ривожи тўғрисида нима дейсиз?**

**И. КАРИМОВ:** Икки йил олдин ҳам бу масалани сунъий равишда қўзғашга ҳаракатлар бўлган эди. Жумладан, бир пайтлар собиқ ташқи ишлар вазири жаноб Козирев турли хил матбуот вакилларининг катта гуруҳи билан ташриф буюрганди. Уларнинг барчаси битта самолётда, қутқу қўзғотишга мўлжалланган ижтимоий соҳаларга оид терма буюртмалар билан олдиндан тайёргарлик кўриб келишганди. Учрашувда ҳали суҳбат бошланмасдан, вазир ҳатто Ўзбекистонга нима мақсадда келганини ҳам унутиб, Тошкентдаги Россия элчихонаси олдида кўп одам тўпланиб тургани ҳақида баёнот берди. Ҳиссиётларга берилган оломоннинг ҳаяжонини босиш учун жаноб Козирев ўша жойга борайлик деди. Мен бунинг олдиндан тайёрланган томоша эканлигини тушундим ва жаноб Козиревга: келинг, аввал сизнинг ташрифингизга боғлиқ масалалар бўйича суҳбатлашиб олайлик, деб таклиф қилдим. Ундан сўнггина Ўзбекистон Президентининг у эҳтиросли митинга аралашиши шартми ё йўқлигини муҳокама қиламиз.

Аслида нима бўлган эди? Бу воқеа рус тилида сўзлашувчи аҳолининг Тожикистондан, аниқроғи, Ленинобод ва бошқа жойлардан оммавий чиқиб кетиши даврида содир бўлди. Улар Россия элчихонасига мурожаат қилишар эди. Элчихона вакили эса кунига 20 тадан ортиқ одамни қабул қилолмасди. Натижада навбатда турганлар кўпайиб, асабийлик ва турли норозиликлар пайдо бўла бошлайди. Бир соат ичидаёқ, менга элчихона олдида кимлар тургани, қаердан келишгани, уларнинг қанчаси Ўзбекистон фуқароси эканлиги тўғрисида маълумот етказишди. Бу маълумотни жаноб Козиревга ҳам кўрсатишди. У бу ерда муҳокамага сабаб бўладиган бирор масала йўқлигини тан олди ва кечирим сўрашга мажбур бўлди.

Энди тўғридан-тўғри сизнинг саволингизга келсак, шундай жавоб бермоқчиман: агар сиз собиқ иттифоқ ҳудудида рўй бераётган воқеаларни диққат билан кузатаётган бўлсангиз, албатта, Ўзбекистон парламенти яқинда тил тўғрисида янги қонун қабул қилганига эътибор бергандирсиз. Тил ҳақидаги олдинги қонун 1989 йил— айни, ҳамма нарса йўқ қилиниб, рад этилиб, миллатчилик руҳидаги ҳиссиётлар тўлқини қайнаб, қизишишлар ҳаддидан ошган тўполонли даврда қабул қилинган эди. Яширмайман, 89-90 йиллар эҳтимол, ҳатто 91 йилда ҳам шундай бир даврни бошдан кечирдикки, миллатчилик шамоли эсиб, Ўзбекистондаги ижтимоий барқарорликка хавф солибгина қолмасдан, республиканинг келажагига ҳам жиддий таҳдид қила бошлаган эди. Фарғона воқеаларидан ташқари, рўй берган бошқа ҳодисалар, шу ерда, бизнинг атрофимизда бўлиб ўтган воқеалар... агар хоҳласангиз, мен сизга уларни айтишим мумкин. Сиз ҳеч қаерда ўқимаган, билмайдиган яна кўп гаплар бор...

Биз шунда парламентда қонун қабул қилдик. Мен ўша пайтда ҳам то бу қонунга ўзгартишлар киритлгунга қадар, унда инсон, энг аввало, рус тилида сўзлашувчи миллатлар ҳуқуқларини чекловчи жиҳатлари бор деб ҳисоблар эдим. У даврлар ортда қолди. Ҳозир бизда мутлақо ўзга, барқарор вазият. Ҳатто, бозорларда, магазинларда, жамоат транспорти ёки истиқомат жойларида миллатчиликнинг айирмачилик қилиш белгиларига дуч келмайсиз. Мен бу ишларни доим кузатиб бораман. Бугун бизнинг жамиятимиз, таъбир жоиз бўлса, шаклланган бир пайтда янги қонун қабул қилишга қарор қилдик. Уолдингисидан икки принцип бўйича бутунлай фарқ қилади ва замонавий демократик меъёр талабларига тўла жавоб беради.

Жумладан, биз эски қонуннинг 8-бандини бутунлай олиб ташладик. Унда бирор соҳада ишлаётган одам, 1998 йилга қадар муомала воситаси бўлган давлат тилини билиши зарурлиги назарда тутилганди. Давлат тилини билмаган киши бирор мансабни эгаллаши мумкин эмасдек эди. Биз бу бандни бутунлай олиб ташладик. Биз бу шартни ҳеч бўлмаганда, дейлик, Болтиқбўйи республикалари қонунларида акс этган мазмундан фарқ қиладиган тарзда олиб ташладик. Аслида, у бизда ҳеч қачон бўлмаган.

Биз мутлақо тўғри йўл тутдик деб ҳисоблаймиз, яъни шу пайтга қадар давлат тилини билмаслик, давлат ва жамоат ишларида иштирок этишига ҳеч қандай тўсиқ бўлган эмас, бундан кейин ҳам бўлмайди. Бундай чеклашлар бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, бу ўзгартиришлар бизнинг жамиятимизда ҳатто, 1989 йилги қонуннинг энг қизғин тарафдорлари орасида ҳам ҳеч қандай салбий муносабат уйғотмади. Чунки, бир вақтлар бу ишга жон жаҳди билан хуруж қилган одамлар ҳам бугун ҳаётга бошқача, босиқ ва одилона назар билан қарашмоқда.

Иккинчи амалий янгилик илм олиш соҳасига тегишли. Давлат тилини билмаган одамнинг билим ололмаслиги тўғрисидаги ҳар қандай шарт, ҳатто унга озгина ишора ҳам олиб ташланди. Бошқаларини қўя турайлик, кам сонли миллатлар, энг аввало, рус тилида сўзлашувчи аҳоли ҳуқуқлари камситилаётгани тўғрисида бизга таъна қилмасликлари учун мана шу икки вазиятнинг ўзида ҳам биз қонунларимизнинг халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ келишига ҳаракат қилдик.

Масалан менга умуман «русий забон аҳоли» сўзлари тушунарли эмас. Бу тушунчани сизлар Россияда ўйлаб чиқаргансиз. Рус тилида гаплашувчи аҳоли дегани нима ўзи? Бу фақат рус миллатига мансуб одамлар эмаслиги равшан. Айрим руслар ўз она тилида гапирганига нисбатан русчани яхшироқ гапирадиган ўзбеклар ҳам бор. Уларни қайси тоифага киритасиз?.. Русча гаплашувчи аҳоли таркибида Россияга алоқадор бўлмаган миллатларнинг вакиллари кўпчиликни ташкил қилади. Хилма хил тушунчаларни киритяпмиз, уларни миллий мансубликка тааллуқли деб бўлмайди. Менимча, бу атама ҳуқуқий жиҳатдан қандайдир аниқлик киритишни талаб қилади: «рус тилида гаплашувчи аҳоли» деганда нимани тушунмоқ керак?

Бу ҳақда жон куйдираётганлар, айниқса Рус жамоалари конгресси русча гаплашувчи аҳоли деганда нимани тушунишларини изоҳлаб беришса бўларди. Айтмоқчи, «Рус жамоалари конгресси» деб нима учун аташган? Россия ҳамиша кўп миллатли давлат бўлган, фақат рус жамоаларини ажратиб кўрсатиш мумкин эмас. Жаноб Скоков ва ана шу «конгресс»нинг бошқа мафкурачилари ҳам жавоб топиши қийин бўлган бошқа саволларни ҳам беришим мумкин. Бундай саволни яна ўзгаларга ҳам берса бўлади. — Россия ҳуқуқшунослиги ёки Аллия вазирлиги шу масалалар юзасидан нега ўз фикрини айтмаётганини тушуниш қийин. Бундай саволлар эса жуда кўп. — Уларни баъзан сиз Ўзбекистонга нисбатан қўяётган сунъий саволлардан ҳам кўпроқ уларга беришингиз мумкин.

Истиқбол тўғрисида гапирганда эса, ишончим комилки, иқтисодиётда, ижтимоий-сиёсий турмушда ислоҳотлар йўлидан илгари борганимиз сайин миллатлараро муносабатларда ҳали ҳам вужудга келаётган айрим зиддиятлар бартараф этилиши ва уларнинг аста-секин бутунлай йўқ бўлиб кетиши учун кўпроқ шарт-шароит яратилади. Ўзбекистон аҳолиси кўпчилигининг фикри ҳам шундайлигини биламан. Жамиятимизда демократик ислоҳотларни қанчалик кўпроқ амалга оширсак, аҳоли ижтимоий ҳаётга қанчалик кенгроқ жалб этилса, одамлар шу жамиятда юз бераётган жараёнларнинг моҳиятини чуқурроқ англаб, сиёсий онги ошиб борса, баъзан сунъий равишда бўрттирилаётган бу муаммолар ўз-ўзидан барҳам топиб, жамиятимиз ҳаётидан чиқиб кетишига ишонч шунча кўпроқ бўлади.

**Савол: Ўзбекистон Республикаси хорижий сармояларни жалб этиш нуқтаи назаридан собиқ иттифоқ ҳудудидаги кўп давлатлардан ижобий фарқ қилади. Бу соҳада эришилган натижаларни умумлаштириб келгуси режаларингизни айтиб бера оласизми?**

**Жавоб:** Аслида биз ўз йўлимизни, иқтисодий турмушдаги ислоҳотларимизнинг аниқ дастурини белгилаётганимизда Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳаддан ташқари бузилган тузилмаларини катта сармоялар жалб этмай туриб, иқтисодиётга кўп маблағ сарфламай туриб қайта ташкил этиш, ўзгартириш мумкин эмаслигини жуда яхши тушунган эдик. Чунки тарихан шундай вазият вужудга келдики, Ўзбекистон СССР таркибидаги хомашё етказиб берувчи республика бўлиб қолган эди. Мен буни кўплаб мисоллар билан кўрсатиб беришим мумкин. Бунинг устига, кўп одамлар шу мавзу теварагида ҳозир бошқача тасаввурда, ҳомхаёлларга берилмоқда.

Ўзбекистон ҳақиқатда ҳам табиий хомашё заҳираларига бой. Мен уларни ҳозир санаб ўтирмайман, ўзларингиз яхши биласиз. Негаки, Ўзбекистоннинг бойлигини санай бошласанг, баъзи бировларнинг ичи куяди... нега шундай, билмадим? Ҳар ким ўз билганича тушунади, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида... ҳали қазиб олинмаган фойдали қазилмалар, минерал хомашёлар, қишлоқ хўжалиги борасидаги имкониятлар, ниҳоят, одам ва меҳнат кучи заҳиралари — буларнинг барчаси жамият манфаатлари, миллати ва динидан қатъи назар, Ўзбекистонда яшаётган бугунги ва эртанги авлод фаровонлиги учун ишлатилиши лозим. Буни фақат инвестиция йўли билан ва бу инвестицияларга қулай шарт-шароит яратиб, уларга ишончли кафолат беришимиз орқалигина амалга ошириш мумкинлигини жуда яхши тушунамиз.

Инвестиция ҳам ўз-ўзидан келиб қолмайди. Мана, кеча Борис Николаевич «биласизларми, биринчи июлгача инвестиция келмайди, чунки одамлар сайлов натижасини кутишяпти...» деб айтди. Менимча, инвестиция ўз-ўзидан йўналишини ўзгартирмайди. Мен буни ўз тажрибамдан келиб чиқиб гапиряпман. Беш йилдан бери Давосга бориб, йирик фирмаларнинг таниқли вакиллари билан учрашаман. Ўзбекистонга келишганда ҳам улар билан учрашаман. Мамлакат раҳбарининг улар билан қизиқиши, агар билсангиз, уларга бўлган ҳурмат-эҳтиром белгиси ва маълум даражада уларнинг фаолияти учун кафолат ҳамдир.

Хуллас, сармоялар бир йил — ярим йил ичида ўзининг йўналишини ўзгартирмайди. Улар жуда қийинчилик билан ва узоқ вақт мобайнида белгиланади. Сармоядор — капитал эгаси. Сармоядорлар — бор бойлигини бир кунда йўқотиши ҳам, ундан фойда кўриши ҳам мумкин бўлган кишилардир. Умуман олганда, иқтисод қонуни шундан иборатки, капитал капиталНи кўпайтириши керак. Сармоядорлар фойдали тарзда маблағ қўйиб, ундан қўшимча фойда олиш мумкин бўлган майдонни қидиради. Капитал шунчаки ҳаракатсиз ётмайди. Бир пайтлар сиёсий иқтисод фанида қандайдир англаш қийин бўлган даромадлар ҳисобига яшайдиган рантьелар ҳақида ўқиган эдик. Бироқ мен, мисол учун, бугунги кунда Францияда ҳам, Германияда ҳам, Буюк Британияда ҳам бундай рантьеларни учратганим йўқ. АҚШда ҳам кўрганим йўқ. Ҳамма бизнес қилишни, яъни бойлигига бойлик қўшишни истайди.

Бу сармояларни жалб қилиш учун шароит яратилиши керак. Бу, албатта, энг аввало сармоядорнинг мазкур минтақада мавжуд сиёсий барқарорликка, бу давлатда қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий меъёрлар ҳар бир капитал эгаси олишни истаган фойда, даромадни кафолатлашига ишончи комил бўлишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам улар узоқ танлайди. Мисол учун, японлар бизни 3-5 йил мобайнида кузатишди. Энди, мана бугун айтишим мумкинки, ниҳоят япониялик хусусий сармоядорларнинг Ўзбекистонга кириб келишига имкон берадиган «дарча» очиляпти. Уни ким очяпти, деб ўйларсизлар? Энг аввало, «Мицуи», «Мицубиси», «Тойота» ва бошқа капитал эгалари очмоқда. Бироқ Японияда жуда қизиқ тартиб бор — у ерда давлат ташкилотлари ўзларининг сармоядорлари, банклари қайси минтақа маблағ қўйишда қай даражада истиқболли эканини яхши аниқлаб олиши учун уларга малакали ахборот бериш устида жиддий иш олиб боради.

Яна такрорлаб айтаман, у ерда хусусий фирмаларнинг ўзигина эмас, давлат ташкилотлари, ҳатто ҳукумат вазирликлари бу масалалар билан жиддий равишда шуғулланади. Кўп йиллар мобайнида Ўзбекистондаги вазият, унинг мен айтган талаблар доирасидаги имкониятлари ўрганилди. Ана шундан кейингина бу сармоялар мамлакатимизга кириб келмоқда.

Бугунги кунда яна бир масала мавжуд: собиқ шўролар ҳудудидаги айрим давлатлар кейинги йилларда уларга миллиардлаб доллар келганини такрорламоқда, айримлари эса уларга сармоя келмаётганидан нолимоқда. Назаримда, Ўзбекистон бу масалада тўғри йўл танлаган. Капитал, сармоя бирон-бир мамлакатга умуман кириб келмаслиги керак. Капитал, сармоялар иқтисодиётимиз тузилмаси хусусиятларидан келиб чиқан ҳолда Ўзбекистонга энг кўп фойда берадиган муайян лойиҳаларга берилиши тўғрилигига бизнинг ишончимиз комил.

Бундан беш йил бурун биз Ўзбекистонда қайси соҳалар устивор бўлиши лозимлигини белгилаб олган эдик. Устиворлик нима дегани? Устиворлик — иқтисодиётдаги бир ҳалқа. Айни шароитда уни тортиб олиш билан барча иқтисодий соҳаларни бир-бири билан боғлаб турган улкан занжирни тортиб олиш мумкин. Бизда мана шу устиворликлар муайян соҳалардаги муайян лойиҳалар шаклини олган. Бу лойиҳалар эса бундан тўрт йил муқаддам тузилган эди. Биз ҳар йили уларни янгилаб турамиз.

Бизда Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси бор. Яқинда россиялик бир шарҳловчи уни қандайдир бир аждаҳога тенглаштирибди. Дарвоқе, қачондир ҳамма ҳам шу йўлга киради.

Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси нима дегани? Биз давлат режа қўмитасини тугатиб, уни статистика билан боғладик. Статистикасиз бирон-бир нарсани белгилаб бўлмайди. Одамлар статистика тайёрлаб берган таҳлилий материаллар асосидагина истиқболни белгилаш билан шуғулланади.

Дарвоқе, статистика хусусида. Бугунги кунда собиқ шўролар ҳудудидаги статистикага гоҳида унча ишониш қийин. Чунки, ҳар бир мамлакат ўзининг стастикасини яратяпти. Бизнинг статискамизга ишонса бўлади — бизнинг халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорлигимиз статистикамиз тўғрилиги гаровидир. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки статистикадаги бирон-бир сохталикни кечирмайди. Миллий даромад, ялпи маҳсулот, инфляция суръатлари ва нарх кўрсаткичларини оширадиган дефляторлар ҳисоб-китоб қилинганида Валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг мутахассислари теран тадқиқот ўтказишади.

Шунинг учун ҳам биз гапираётган устиворлик ва лойиҳалар сармоядорлар учун қулай унсур ҳисобланиб, юртимизга эртанги кунда ҳам хорижий мамлакатлардан капитал ва сармоялар кириб келишига асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ биз бу кредитлар қотиб қолган, яъни биз олаётган фоиз билан белгиланадиган истиқболдаги ҳисоб-китобга асосланишидан манфаатдор эмасмиз. Бу тор мақсад эмас. Агар биз ким биландир ёки қандайдир банк билан 10 фоиз фойдаси билан 1 миллирад доллар олишга шартнома тузган бўлсак, буни ютуқ деб бўладими? Бу, аслини олганда, ўзбеклар айтганидай, бўйнига арқон солиб, кейин уни ўша сармоядорнинг қўлига тутқизишдай гап. Бундай бўлмаслиги керак. Умуман, агар биз ўзимизнинг сармоя ва ресурсларимиздангина фойдалансак яхши бўларди, албатта. Лекин бунинг иложи йўқ. Ҳозирча ташқаридан келадиган сармояларсиз ишимиз олға силжимайди. Бироқ, Ўзбекистонга сармоялар давлат, ҳукумат кафиллигисиз келганида янада яхши бўларди.

Бизда лойиҳаси бўлган фирма, тузилма бор дейлик. Бу лойиҳани амалга ошириш учун фирманинг ўзи сармоя жалб этади ва ўзи бўлажак ишлаб чиқариш асосида ҳисоб-китоб қилади... Бизнинг ишимиз эса бу сармоянинг сўмга алмаштирилишини, бу қўшма корхонадан олинадиган даромад қаттиқ валютага айлантириб жўнатилишини таъминлашдан иборат. Бу — менинг вазифамга киради. Бошқа ҳамма ишда эса фирма, ҳар бир тармоқ, ҳар бир корпорация барча масалаларни ўзи ҳал қилиши энг яхши йўл бўлур эди.

Ўтган йили биз Ўзбекистонда 1 миллиард Америка долларини ўзлаштирдик, таъкидлаб айтаман, ўзлаштирдик. Ҳозирги кунда амалга оширилаётган лойиҳаларни оладиган бўлсак, мен уларни ҳисоблаётганим ҳам йўқ. Тўғри, айрим кишилар уларни ҳисоблаб чиқиб, мамлакатимизда умумий қиймати шунча доллар турадиган мана шунча лойиҳа амалга оширилмоқда, дейишни ўз бурчи ҳисоблайди. Такрор айтаман, биз 1 миллиард доллар ўзлаштирдик. Бу кўпми, ё камми? Мен бу саволга бир хил аниқ жавоб бермоқчи эмасман. Ҳозирги пайтда қўлимизда қанча кўп ва жозибали лойиҳалар мавжуд бўлса, юртимизга шунча сармоя келиши керак. Биз уларга аввало барқарорлик, сиёсатимизнинг ўзгармаслиги нуқтаи назаридан кафолатни таъминлашимиз лозим.

Бу масаланинг бир нозик томони бор. Масалан, агар қўшма корхона барпо этилаётган бўлса, унинг ҳозирги пайтда амал қилаётган қандайдир қонун меъёрларига асосан барпо этилиши, ана шу қонунга таяниши табиийдир. Агар ўн йил давомида олдинги қонундан фарқ қиладиган янги қонунларни қабул қиладиган бўлсак, бу ҳолда мазкур фирма ўн йил давомида унинг даромадларига кафолат берадиган олдинги қонун меъёрлари асосида ишлаш ҳуқуқига эгадир. Олдинги ажратма, фойда меъёрлари, биз барпо этаётган имтиёзлар — буларнинг ҳаммаси тадбиркорлар учун ўн йил давомида сақланиб қолади. Мамлакатимизга сармоялар келишига йўл очган омиллардан бири ана шу. Қўшма корхоналарни 5 йил давомида, айрим ҳолларда эса 7 йилгача фойдадан олинадиган солиқдан, шунингдек таърифлар ва божлардан озод қиламиз.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда амалга оширилаёган лойиҳалардан қайси бирини ажратиб кўрсатишишим мумкин? Андижонда Жанубий Кореянинг «ДЭУ» фирмаси билан ЎзДЭУ автомобиль заводи барпо этилаётганини айтиш мумкин. Бу лойиҳанинг қиймати жуда катта, ярим миллиард доллардан кам эмас. Бу корхона «Фифти-фифти», яъни «эллигу-эллик» деган қоида асосида барпо этилмоқда. Сармоянинг 50 фоизини Ўзбекистон, 50 фоизини эса «ДЭУ» фирмаси ажратган. «ДЭУ» фирмасининг ўзи эҳтимол қандайдир заём маблағларини жалб этгандир, лекин бу бизга тааллуқли масала эмас. Ёки Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини олайлик: унинг қиймати 350 миллион доллар. У ҳам «фифти-фифти» қоидаси асосида барпо этилмоқда: сармоянинг 50 фоизи бизники, 50 фоизи уларники. Ана шундай йирик лойиҳалардан ҳар бири юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорини қабул қиламиз, унда фирмаларнинг имтиёзларига, уларнинг истиқболларига кафолат берамиз. Шугина эмас. Яқинда парламентнинг навбатдаги мажлисида сиёсий кафолатни таъминлайдиган, Ўзбекистонга ўз сармояларини сарфлашга тайёр турган фирмаларга фақат молиявий-иқтисодий кафолат эмас, такрор айтаман — сиёсий кафолатни ҳам таъминлайдиган тегишли қонунлар қабул қилинди. Саволингизга жавобимни якунлар эканман, яна бир бор такрорламоқчиман: биз эртага — 1996-97 йилларда мамлакатимизга жуда катта сармоялар келади, деб хомхаёлга берилаётганимиз йўқ. Биз аниқ лойиҳаларни, масалан, ёқилғига доир аниқ лойиҳаларни кўзда тутиб ишлаяпмиз. Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мустақиллиги тўғрисида гапирамиз. Хўш, бу жиддий лойиҳами? Ҳа, жиддий лойиҳа. Биз 3 йил давомида шунга эришдикки, 1996 йилда четдан бирор тонна бўлсин нефть сотиб олмаймиз. Бир вақтлар пахта толамизнинг тахминан ярмини нефтга алмаштиришга мажбур эдик. Эндиликда бу пахта толасини жаҳон бозорига чиқараяпмиз. Бу — Ўзбекистонда 1996 йилда миллий валютамиз қаттиқ валютага эркин алмаштирилишига эришамиз, деб айтишимизга имкон берадиган янги валюта манбаидир. Бу шунчаки сўз эмас. Сиз менга бундай савол берганингиз йўқ, лекин мен сизга шуни қатъий айтишим мумкинки, 1996 йилда Ўзбекистонда миллий валютамиз тўла-тўкис эркин алмаштириладиган, мамлакат ичкарисида эркин алмаштириладиган бўлади.

Бу ҳисоб-китобларимиз нималарга асосланган? Улар аввало бизнинг тасарруфимизда бўлган ҳақиқий манбаларга асосланган. Мен уларни қисман айтиб ўтдим — пахтани жаҳон бозорида сотяпмиз. Бизнинг қўлимиздаги олтин ҳамда, энг муҳими, биз ҳар томонлама рағбатлантираётган экспорт ана шундай манбалардандир. Дарвоқе, экспорт хусусида ҳам шундай масала бор. Бизнинг қонунчилигимиз, битта қонун эмас, балки бир неча қонун ўзаро боғлиқ ҳолда экспортчиларимизга, экспорт учун ишлаётган барча корхоналарга фойдадан олинадиган солиқни 50 фоиз қисқартиради. Бундай имтиёзни яна қайси мамлакатда кўргансиз? Бу жуда яхши, корхоналарни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришга қизиқтирадиган имтиёз. Бундан ташқари, корхона ўз маҳсулотини оз бўлса ҳам четга сотиши учун биз яна ўнлаб шароитларни яратиб беряпмиз. Экспорт қилиш оз-оздан бошланади, сўнгра аста-секин изчил жараёнга айланади, фойдаси сезилади.

Айрим мамлакатларда шундай иш тутишади, маҳсулотни четга сотишдан тушган валютанинг ҳаммасини миллий валютага алмаштириш учун Марказий банкка олиб қўйишади. Бизда эса атиги 30 фоизи олинади. Биз бунга узоқ вақт давомида эришдик, лекин эндиликда унга қатъий амал қиляпмиз. Эртага эса бу кўрсаткични яна камайтирмоқчимиз. Биз валютанинг эркин алмаштирилишига эришсак, яъни бизда валюта биржамиз учун доимий ишлайдиган манба яратилса ва пулимизни эркин алмаштириш имкониятига эга бўлсак бу иш амалга ошади.

Биз ишлаб топилган маблағларни мажбурий равишда давлат ихтиёрига олиб қўйиш билан шуғулланаётганимиз йўқ. Ҳисоб-китобларимизнинг кўрсатишича, ўтган йили валюта биржамиз орқали 1,5 миллиард Америка доллари ўтди. 1996 йилда бу рақам 2,6 миллиард долларга етади.

Баъзиларингиз бюджет билан қизиқдингиз, ҳатто бюджетга доир рақамлар нима учун эълон қилинмайди, деб ажабландингиз. Сиз мендан сўранг, бюджет қаерда эълон қилинганлигини айтиб бераман, иккинчидан, агар қизиқсангиз, бюджетнинг ҳар бир моддаси бўйича аниқ рақамларни келтиришим мумкин.

Шуни айтмоқчиманки, конвертация тўғрисида гап борганида, бу аниқ рақамлар, ҳисоб-китоблар билан мустаҳкамланади. Бюджет тасдиқланаётганда ана шу ҳисоб-китобларнинг ҳаммаси кўзда тутилган ва уларнинг ижро этилиши кафолатланади.

Ўзбекистоннинг йўли тўғрисида тўхталадиган бўлсак, гап бирор модел ҳақида бормаслигини яна бир бор айтиб ўтмоқчиман. Бизнинг йўлимиз, бюджетни шакллантиришнинг ўз усулларимиз бор. Мустақиллигимизнинг 3-4 йили ичида улар ўзини оқлади. Агар сиз буни «модел» деб аташни хоҳласангиз, майли «модел» бўла қолсин. Айрим газеталарингиз: Ўзбекистон Ўрта Осиё «йўлбарси» деб ёзиб, Жануби-Шарқий Осиёдаги айрим мамлакатларга ўхшатмоқда. Бу ҳам уларнинг ўз иши.

Кеча Борис Николаевич ўз нутқида айтган бир фикр менга маъқул бўлди. Биз ислоҳот тарафдоримиз, лекин жуда қимматга тушадиган ислоҳот тарафдори эмасмиз. Ҳақиқатан ҳам ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки халқ манфаати учун амалга оширилади. Шу сабабли биз босиб ўтган босқич танлаб олган йўлимизнинг тўғрилигини тасдиқламоқда, деб ҳисоблайман.

**(Давоми кейинги сонда).**

*Контрактация шартномаси асосан, Фуқаролик кодексида ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ифодасини топган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августда қабул қилинган қарори асосида тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг аҳамияти ҳам каттадир.*

# КОНТРАКТАЦИЯ

Контрактация шартномасига асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, бу маҳсулотларни тайёрловчи (сотиб олувчи) эгалигига (тўла хўжалик юритишга) шартномада кўрсатилган маҳсулотларнинг турлари бўйича миқдори, сифати, уларни етказиб бериш муддатлари, тартиби ва шартларига риоя қилган ҳолда топшириши, тайёрловчи ташкилотлар ва корхоналар эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга кўмаклашуви, уни ўз вақтида қабул қилиб олиши ва белгиланган баҳода ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Маҳсулотни қабул қилиш пунктлари ва корхоналарига ташиш ҳужжатлари, агар шартномада бошқача кўрсатилмаган бўлса, тайёрловчи ташкилотга юклатилади.

Қонун ҳужжатларида бошқача белгиланмаган бўлса, контрактация шартномаларига оид муносабатларга олиш-сотиш ва маҳсулот етказиб бериш (поставка) шартномаларининг қоидалари тадбиқ қилинади.

Контрактация шартномаси томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Шартномани тузиш ва бажаришда томонларнинг ҳар бири бошқа томоннинг хўжалик ҳисоби манфаатларига риоя қилиши, ўз мажбуриятларини энг тежамли тарзда бажариши, мажбуриятнинг зарур даражада бажарилмаслиги муносабати билан пайдо бўшиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш ёки камайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриши, бу ҳақда иккинчи томонни ўз вақтида хабардор қилиши керак.

Шартномага асосан, тайёрловчилар хўжаликлар билан ўз вақтида шартномалар тузиш ва шартнома мажбуриятларини бажариш; хўжаликлар томонидан тақдим этилган барча маҳсулотни шартномада назарда тутилган муддатларда харид қилишларни ва узлуксиз қабул қилиб олишни таъминлашни ташкил этиш, қайта ишлаш саноати ва савдо корхоналарининг хўжаликлар билан тўғридан-тўғри ва узоқ муддатли алоқаларини ҳар томонлама бевосита хўжаликларда қабул қилиб олишни ҳамда ўзининг ихтисослаштирилган транспорти, умумий фойдаланиладиган транспорт ёки хўжалик ижарага олган транспорт билан келишилган график бўйича ташишни таъминлаш; харид қилинаётган маҳсулотнинг сифатини тўғри аниқлаш, маҳсулот учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш; тайёрланадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, тайёрлаш, транспортда ташиш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлашда унинг нобуд бўлишини қисқартириш; хўжаликлар билан шартномалар бўйича идиш, ўраш материаллари ва норматив — техник ҳужжатлар билан таъминлаш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳар бир турини етиштиришнинг ўзига хосилигига мувофиқ муддатларда сотиладиган кейинчалик ҳисобга ўтказилган ҳолда, хўжаликларга дон қийматининг камида 40 фоизидан, шунингдек, бошқа маҳсулотларнинг шартномада назарда тутилган қийматининг камида 25 фоизидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида аванс тўлаш, эксперимент тариқасида ишловчи хўжаликларга эса — уюшмалар томонидан эркин сотиладиган пахтанинг 40 фоизи ҳисобидан аванс тўлаш мажбуриятини олади.

Ўз навбатида эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчига шартномада назарда тутилган маҳсулотлар турлари бўйича ҳажмларда ва ассортиментда, тегишли сифат ва муддатларда сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажариш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчининг бевосита хўжаликдаги топшириш — қабул қилиб олиш пунктига ўз вақтида тайёрлаб қўйиш ёки унинг келишилган график бўйича тайёрловчининг қабул қилиш пунктларига олиб келиш; илова қилинадиган ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш ва маҳсулот топширишга қўйиладиган бошқа талабларга (ўраш — жойлаш, идиш, маркировка, чорва молларини биркалаш ва бошқалар) риоя қилишини таъминлашга мажбурдир.

Хом ашё зонасини ва тайёрловчилар билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш учун хўжаликлар рўйхатини аниқлаш маҳаллий қишлоқ хўжалиги органлари томонидан, хўжаликлар ва тайёрловчиларнинг истаклари ҳисобга олинган ҳолда навбатдаги йил бошланишидан икки ойдан кечикмай амалга оширилади.

Шартномаларни тузиш бевосита хўжаликларда амалга оширилади, тайёрловчи хўжаликка ваколатли вакилни юборишга мажбурдир, шартномалар томонларнинг келишувига кўра 1 йилдан 5 йилгача муддатга тузилади.

Тайёрловчи контрактация шартномаси лойиҳаларини хўжаликларга агар улар турли вилоятларда бўлсалар ҳамда шартнома тузишга рози бўлсалар, почта орқали юборишга ҳақлидир.

Хўжалик, тайёрловчиларнинг вакили хўжаликка келган кундан бошлаб ёки шартнома лойиҳаси почта орқали олингандан кейин 7 кун мобайнида шартномани имзолашга ва уни тайёрловчига қайтаришга мажбурдир.

Агар шартнома шартлари бўйича хўжаликда эътирозлар пайдо бўлса, хўжалик худди ўша муддатда келишмовчиликлар баёнини тузади ва имзо чекилган шартномани келишмовчиликлар баёнининг икки нусхаси билан биргаликда тайёрловчига юборади. Контрактация шартномасида у келишмовчиликлар билан имзоланганлиги кўрсатилади, бу ҳақда Маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат бош инспекциясига албатта маълум қилиниши керак.

Тайёрловчи келишмовчиликлар баёнини олгач, 5 кун мобайнида уни кўриб чиқишга (зарур ҳолларда иккинчи томон ва маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекцияси вакили билан биргаликда) қабул қилинган барча таклифларни шартномага киритишга, низоли масалаларни эса худди ўша муддатда кўриб чиқиш учун имзо тегишли бўлган хўжалик судига беришга мажбурдир.

Агар тайёрловчи келишмовчиликлар баёнини олгач, 5 кун мобайнида тартибга солинмаган қолган келишмовчиликларни хўжалик судининг ҳал этишига бермаса, хўжаликнинг таклифлари қабул қилинган ҳисобланади.

Шартнома қоидага кўра, уч нусхадан тузилади ва имзоланади. Томонлар имзо чеккан шартномани хўжалик рўйхатига олиш учун 3 кун мобайнида Маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекциясига тақдим этишга мажбурдир. Давлат томонидан белгиланган ҳажмларда назарда тутилмаган ва давлат буюртмасига кирмаган маҳсулотларга тузилган шартномалар ҳам маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекциясида, албатта, рўйхатга олиниши керак.

Шартномани бажаришни бир томонлама рад этишга ва унинг шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир. Шартномани бекор қилиш ёки унинг шартларини ўзгартириш тўғрисида таклиф олган томон таклиф олингандан кейин 5 кундан кечикмай жавоб беришга мажбурдир. Акси бўлса, таклиф қабул қилинган деб ҳисобланади. Томонлар шартномани бекор қилиш ёки унинг шартларини ўзгартириш тўғрисида бир қарорга келмасалар, томонлар ўртасидаги низо ҳал этиш учун хўжалик судига берилади.

Тарафлар ўртасида тузилган шартномада маҳсулотнинг номи, ассортименти, миқдори (маҳсулотлар турлари бўйича), сифати, нархи, шартноманинг умумий суммаси, етказиб бериш тартиби ва шартлари, маҳсулотни топшириш — қабул қилиш пунктлари ва даврлари (муддатлари), тайёрловчи томонидан бевосита хўжаликнинг ўзида қабул қилиб олиб ўзининг ёки жалб этилган транспорт билан ташиб кетиладиган маҳсулот миқдори, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ҳажмларига мувофиқ контрактация шартномаси бўйича сотилиши керак бўлган маҳсулотнинг хўжаликда қайта ишланган миқдори; идишга, маркировка қилишга, ўраш-жойлашга қўйиладиган талаблар; тайёрловчининг маҳсулотни ўз вақтида қабул қилиш ва белгиланган нархлар бўйича тўлашга доир мажбуриятлари; ҳисоб-китоблар тартиби, хўжалик ва тайёрловчининг тўлов, почта ва юклаш реквизитлари; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ташкил этишда ва тайёрловчининг қабул пунктига транспортда ташишда хўжаликларга ёрдам кўрсатиш бўйича тайёрловчининг мажбуриятлари; улар томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг, шунингдек, томонлар шартномада Ўзбекистон Республикасининг белгиланган қонунчилигига зид бўлмаган бошқа шартларини назарда тутишни зарур деб тан олган бошқа шартларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонларнинг ўзаро мулкий жавобгарлиги кўрсатилади.

Хўжалик томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган кун деб, маҳсулотни хўжаликда қабул қилиш-топшириш ҳужжати тузилган сана ёки тайёрловчининг қабул қилиш—топшириш пунктида қабул қилиш-топшириш ҳужжати тузилган сана ҳисобланади, маҳсулот олувчига юклаб жўнатилганда эса — маҳсулот транспорт органига топширган сана ҳисобланади. Тайёрловчининг маҳсулот ҳақини тўлаш бўйича мажбуриятлари бажарилган кун деб эса ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни қабул қилишдан бош тортган тайёрловчи бу ҳақда хўжаликка ёзма равишда хабар бериши керак.

Хўжалик ва тайёрловчи ўртасида ҳисоб-китоблар тайёрловчи томонидан хўжалик топширган маҳсулот қийматини унинг шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб, махсус ҳисоб-китоб ёки махсус ссуда счетига тўлов топшириқлари билан ҳисоблаб ўтказиш, чеклар билан тўлаш орқали амалга оширилади. Ҳисоб-китоблар маҳсулот қабул қилиб олингандан сўнг уч календар кундан кечиктирмай, тайёрловчи ва унга хизмат кўрсатувчи банк муассасаси аҳоли яшайдиган ҳар хил жойларда жойлашган бўлса, шунингдек, алоқа шарт-шароитларини ҳисобга олиб маҳсулот қабул қилиб олингандан беш кундан кечиктирмай амалга оширилиши керак.

Барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шартномада белгиланган ассортимент ва турларда, муддатларда топширишдан асоссиз бўйин товлаган хўжалик тайёрловчига топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Контрактация шартномасига мувофиқ топширилган (юклаб жўнатилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортилганда (хўжаликка тегишли суммаларни, белгиланган устамаларни ҳам қўшиб, ўз вақтида ҳисоблаб ўтказилмаганлик, ҳисоб-китобларнинг акцепт шаклида эса тўлов топширилган акцептини асоссиз тўлиқ ёки қисман рад этилганда) тайёрловчи хўжаликка тўланмаган суммани, ўзи тўлашдан бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима, ундан ташқари, хўжаликка муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди.

Хўжаликни стандартлар талаблари ва техник шартларга жавоб берадиган идиш ва ўраш материаллари билан, маҳсулотнинг тегишли турларини харид қилишни тартибга солувчи йўриқномалар ва қоидалар ёки шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда, таъминламаганлиги учун тайёрловчи хўжаликка етказиб берилмаган идиш, мих ва ўраш материалларининг етказиб бериш вақтида амалда бўлган қийматининг 2 баравари миқдорида жарима тўлайди. Тайёрловчининг хўжаликни идиш билан таъминламаганлиги маҳсулот сифатининг пасайишига ёки тез бузилувчи маҳсулотнинг бузилишига олиб келган бўлса, тайёрловчи кўрсатилган жаримадан ташқари хўжаликка кўрган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисмини ҳам тўлайди. Сифатнинг пасайганлиги ва маҳсулотнинг бузилганлигини Маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекцияси аниқлайди.

Хўжалик шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги учун жавобгарликдан, агар улар табиий офатлар ва бошқа ноқулай шароитлар туфайли ёки тайёрловчи айби билан содир бўлган бўлса, тегишли асослашлар ва Маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекцияси хулосаси бўлган тақдирда, озод этилади.

Шартномада иккала томоннинг келишувига кўра, мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқача жазо чоралари назарда тутилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, контрактация шартномасининг амалдаги қонун нормалари асосида тузилиши ва бажарилиши қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг гарови бўлиб ҳисобланади.

**Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,**
**юридик фанлари доктори.**

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков 4 март куни Вазирлар Маҳкамасида Япониянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Укэру Магосаки билан учрашди.***

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларнинг тобора равнақ топаётгани қайд этилди. Бу эса Япониянинг Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнини кенг қўллаб-қувватлаётганидан дарак беради, деди, жумладан, Исмоил Жўрабеков.

Укэру Магосаки ўз мамлакати ҳукумати Ўзбекистон раҳбарияти танлаган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар йўлига юксак баҳо бераётгани ва республикамиз иқтисодиётини юксалтириш борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

Учрашув ниҳоясида Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистонга 1 миллиард 400 миллион Япония иени миқдорида беғараз ёрдам кўрсатиш ҳақидаги ҳар икки мамлакат ҳукуматлари томонидан келишилган ноталар алмашилди. Ноталар алмашилгани ҳақидаги ҳужжатга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков ва элчи Укэру Магосаки имзо чекди. Ушбу маблағ Ўзбекистон халқ хўжалиги, хусусан, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланади.

**(ЎзА).**

## ШАРТНОМАЛАР — ИҚТИСОДИЁТНИ ЮКСАЛТИРИШ ОМИЛИ

***Тошкентда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги шартнома амалиёти масалаларига бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди.***

Унда вазирликлар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри туманлари ҳокимлари иштирок этдилар. Семинарни Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов бошқарди.

Бу масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 29 февралда бўлиб ўтган йиғилишида Президент Ислом Каримов батафсил тўхталиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги шартнома муносабатларини такомиллаштириш долзарб масала бўлиб тургани, бу муаммони бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўриш лозимлигини таъкидлаб ўтган эди.

Семинар иштирокчилари бу борада юртбошимиз белгилаб берган вазифалардан келиб чиқиб муаммоларнинг ечимини топиш, шартнома тузиш маданиятини юксалтириш тўғрисида ўз таклифларини ўртага ташладилар. Ҳақиқатдан ҳам халқ хўжалигида тузилаётган шартномалар талабга жавоб бермаслиги, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳаётда ўз аксини топмаётганлиги ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатларнинг бузилишига, корхоналар омборларида касодга учраган маҳсулотлар тўпланиб қолишига ва иқтисодиётимизни мустаҳкамлашда тўсқинликлар вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Саводсизларча тузилаётган шартномалар нафақат корхонага зарур келтиради, балки жамият манфаатларига ҳам зиддир.

Уларда жавобгарлик масъулияти белгиланмаган. Натижада шартномани бузган тараф ҳеч қандай жазога тортилмайди. Шартномаларда эски йўсинда иш юритиш, келишувчилик, юзхотирлик яққол кўриниб туради. Томонлар шартномани бузишса даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилмайдилар, етказилган зарарни ундириб олиш ҳақида ўйламайдилар.

Шартнома — қонуний ҳужжат бўлиб, у юзасидан келишмовчиликлар суд орқали ҳал бўлиши лозим. Шартномага қўл қўйган ва унга амал қилмаган корхона ёки жамоага жарима солинса ёки маъмурий жавобгарликка тортилса ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчида жавобгарлик ҳисси уйғонган бўларди. Катта зарар кўрган корхонада йил бўйи меҳнат қилиб иш ҳақи ололмаган жамоа бор. Бунинг учун кимдир жавоб бериши керак.

Шартномалар бугунги кунда бозор иқтисодиёти муносабатларини ҳаётга кенг тадбиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга кўра талабга жавоб берадиган, мукаммал қилиб тузилсагина ўз самарасини беради. Шундагина бу корхоналарнинг бир йилга мўлжалланган буюртмаси бўлади.

Бу талаб ва таклифлар ўрганилган ҳолда иш юритиш фақат харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқариш ҳажмини талабга қараб кенгайтиришга олиб келади. Шундагина касодга учраган моллар омборларга қалаштириб ташланмайди. Корхона муайян харидорга эга бўлсагина жамоанинг меҳнати зое кетмайди.

Семинар қатнашчилари шартнома муносабатларини такомиллаштириш ишини ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўз зиммаларига олишлари лозимлиги, ишлаб чиқарувчиларнинг зарар кўрмаслигига эътиборни қаратиш, уларнинг манфаатларини қонун йўли билан ҳимоя қилиш зарурлиги ҳақида гапириб, унинг қонуний жиҳатлари ва иқтисодиётимизда тутган ўрни ҳақида тўхталдилар. Шартнома тизимини яратиш иқтисодиётни юксалтиришнинг асосий омили бўлгани боис, унинг корхоналар ҳаётидаги аҳамияти ҳақида жойларда ҳам тушунтириш ишлари олиб бориш, вилоятларда, туман ва қишлоқларда ҳам шу масалага бағишланган семинарлар ўтказиш лозимлиги таъкидланди.

Минтақавий семинар ишида Республика Бош вазирининг ўринбосари Ю. Пайгин, Адлия вазири С. Мирсафоев, Тошкент вилояти ҳокими Э. Рўзиев, Сирдарё вилояти ҳокими Ғ. Ҳасанов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ИШЛАГАН АРМОНДА ҚОЛМАЙДИ

***ДЕНОВ туманидаги генерал Собир Раҳимов номли жамоа хўжалигининг ҳисобот йиғилиши бўлди. Раис ҳисоботига қараганда, хўжалик меҳнаткашлари бултур 65 миллион сўмлик маҳсулот етиштирдилар. Қўшимча иш ҳақи 20 миллион сўмдан ошди. Меҳнаткашлар бир сўмга бир сўму тўрт тийиндан қўшимча даромад олишди. Чунки, пахтанинг ҳосилдорлиги 47 центнерга етди. Ғаллакорлар ҳам 34 центнердан дон олишди. Бу йил улар ғалла ҳосилдорлигини 45 центнерга етказишни мўлжаллаб туришибди. Бунинг учун барча асослар бор.***

**Т. РАЗЗОҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «ГРЮНДИГ» — УЙИМИЗ КЎРКИ

***«Бухорои Шариф электроник корпорейшн» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси яқин кунлар ичида Германиянинг «Грюндиг» фирмаси телевизорларини йиғишга киришади.***

Айни пайтда телевизорларни йиғиш учун зарур бўлган барча қисмлар ва жиҳозлар келтирилиб, ўрнатилди. Дастлабки 500 дона маҳсулотни шу йилнинг биринчи чорагида вилоят савдо дўконларига чиқариш мўлжалланмоқда.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Янгиқўрғон туманидаги Охунбобоев номли ширкатлар уюшмасида терак ва мевали дарахт кўчатларини етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозир бу ерда 1 миллион 200 минг дона 2 йиллик терак, 500 минг дона мевали дарахт кўчатларини хўжалик аъзолари йўл бўйларига, ташландиқ жойларга экишни бошлаб юборишди. Шунингдек, кўчатлар аҳолига арзон нархларда сотилмоқда.*

*Суратда: ширкатлар уюшмаси раиси Ҳ. Мажидов 1 гектар майдонда терак қаламчаларини парвариш қилаётган ижрачи И. Худоёров билан.*

*ТОҲИРЖОН ҲАМРОҚУЛ олган сурат.*

• *Меҳнатдан обрў топганлар*



***Дарҳақиқат, ушбу касб соҳиблари ўзларининг хизматлари давомида кўплаб қўли эгри, нопок кимсаларга рўбарў бўлиши, турли хил қарама-қаршиликларга дуч келиши ҳеч кимга сир эмас.***

## ТАФТИШЧИ

Икромиддин Исломхўжаев умрининг қирқ йилдан ортиғини ана шундай масъулиятли ишга бахшида этди. Ва табиийки, ҳалол ишлагани боис ҳамкасблари орасида обрў-эътибор топди. Айни пайтда «Ўзавтотранс» давлат-ҳиссадорлик корпорациясининг назорат-меъёрий тафтиш бошқармасида етакчи мутахассис сифатида фаолият кўрсатмоқда.

— Тафтишчиларнинг номи ҳар доим ҳам ширин бўлавермайди, — дейди у киши биз билан суҳбат чоғида. — Айниқса, бугунги бозор иқтиосдиёти шароитида назоратчилар фаолияти янада мураккаблашди. Бу эса ўз навбатида уларнинг зиммасига улкан масъулият юклайди.

Яқинда Икромиддин ака 63 ёшга тўлди. У билан суҳбатлашсангиз, тафтишчиларда бўлиши мумкин эмасдек бўлиб туюлган оққўнгиллилиги, эзгуликка йўғрилган пок қалби, ёшларга хос ғайратчанлиги кишини ҳайратлантиради. Шунинг учун бўлса керак, 25 йилдан буён Икромиддин ака пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Янгиобод» маҳалла қўмитасининг аъзолигига сайланиб келмоқда.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

***СУРАТДА: Икромиддин Исломхўжаев Бухоро автомобиль йўллари техникуми бухгалтериясида тафтиш ўтказмоқда.***

## ТАШКИЛОТ ТАВСИЯ ЭТАДИ:

1. *Бир ва икки тумбали столлар*
2. *Пластмассали стол ва стуллар мажмуи*
3. *Оддий ва нақшли стуллар*
4. *Ишхона учун гарнитур*
5. *Китоб жавонлари*
6. *Девор ва юмшоқ мебеллар*
7. *Хорижий гуллар учун тагкурси ва илгичлар*
8. *Телефон аппаратлари*
9. *Дипломат ва кейслар*
10. *Кафель (чет элники)*
11. *"Daewoo quar-51" қўш кассетали видео*
12. *"Samsung" касса аппаратлари, ёзув машинкалари*
13. *"FC-230" русумли (ксерокслар), катрижлар ва тонерлар*
14. *"Sino" музлатгичлари*
15. *Канцелярия моллари*
16. *Биллур буюмлар (идишлар, вазалар, қандллар)*
17. *3,8 ва 4,5 диаметрли ингичка сим боғламлари*
18. *"БК-2300" кондиционерлари*

Манзилимиз:

*Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 100*

**Телефонлар:** *72-54-68, 79-47-73.*

**Йўналиш:** *Собир Раҳимов метро бекатидаги "Совпластитал" қўшма корхонаси биносининг ёнидаги 12 қаватли офис.*

*"Нико-Нур" фирмасидан*

**"Пахта-банк" векселларига ва пул ўтказиш йўли билан қуйидагиларни харид қилишингиз мумкин:**

сутни қайта ишлаш, жўхори қаламчалари, целлофан пакет ишлаб чиқариш кичик цехлари, тегирмонлар, совутгичлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ишчилар махсус кийимлари, тўкилган пахтани териб йиғувчи "Қирғизистон" машинаси, ип йигириш ускунаси.

**Манзилимиз:**

**Тошкент ш. Наққошлик кўчаси, 2-уй**

***(Чилонзор метроси, кўкрак хирургияси институти қаршисидаги кўча)***

**Тел.: (3712) 79-18-30**

*"Нико-Нур" фирмаси*

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоаси газетамиз Бош рассоми Аброр Ориповга отаси

**Илҳом ОРИПОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги жамоаси «Интеграция» ширкати директори Азиз Мирсалимовга онаси

**Ақраб МИРСАЛИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти раҳбарияти, биоорганик ва биологик кимё кафедраси жамоаси кафедра катта ўқитувчиси Дилором Юнусовага отаси.

**Фаттоҳ МАҲКАМОВНИНГ**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

# АЛИШЕР НАВОИЙ МУЗЕЙИ

**_Самарқанд дорилфунуни хиёбонида Алишер Навоий таваллудининг 555, шоирнинг бу шаҳарга келганлигининг 530 йиллиги муносабати билан унинг ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи музей ишга тушди._**

Шу муносабат билан Самарқанд адабий жамоатчилигининг тантанали йиғилиши бўлди. Унда вилоят ҳокими А. Мардиев музей қурилиши ва уни жиҳозлашда иштирок этган ташкилот ҳамда фидокор кишиларга миннатдорчилик билдирди.

Бу ерда Навоий музейининг очилиши тасодифий ҳодиса эмас: XV асрнинг 60-йилларидаги Самарқанд маданий ҳаётини буюк шоирнинг муқаддас номисиз тасаввур этиб бўлмайди.

1459 йилда Хуросон тахтини эгаллаган Абусаид 1465 йилда, Заҳириддин Бобур сўзи билан айтганда, Навоий Ҳиротдан «ихрож» қилган эди. У Самарқандга келди. Бу даврда Самарқанд Марказий Осиёнинг йирик маданият ва илм-фан ўчоқларидан бири ҳисобланарди. Самарқандда замонанинг машҳур олими Фазлуллоҳ Абуллайсий, шунингдек, Мирзо Ҳожи Суғдий, Сайид Қутб Самарқандий, Юсуф Сафоий, Шайхим Суҳайлий каби шоир, санъаткорлар ҳам яшашар эди. Бу шаҳардаги мадрасаларда таҳсил кўриш учун Фарғона водийсидан, Тошкент, Бухоро, Ҳирот ва бошқа шаҳарлардан илмсеварлар келиб туришарди. Навоий Самарқандда адабиёт ва илм-фан аҳллари ўртасидаги энг эътиборли кишилардан бирига айланди. Шаҳар ҳокими Аҳмад Ҳожибек, мударрис Фазлуллоҳ Абуллайсийлар унинг истеъдодини қадрладилар, ҳомийлик ҳам қилдилар.



Навоий Самарқандда таҳсил олиш билан бирга шоирлар ва илм аҳлларининг суҳбатида, баҳс-мунозараларида қатнашди. Шаҳардаги тарихий ёдгорликлар, хусусан, Улуғбек расадхонаси ва мадрасаси унда катта қизиқиш уйғотди. У бу таассуротларини кейинчалик «Хамса»да баён этган эди. Шунингдек, шоир Самарқанддаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам фаол қатнашди. Хондамир «Макоримул ахлоқ» асарида Навоий Самарқанддалиги даврида золим амалдорлар бегуноҳ кишиларга зулм ўтказишмоқчи бўлишганида уларни ўлим жазосидан сақлаб қолганлигини ёзади.

Музейда Алишер Навоийнинг Самарқанддаги фаолияти кенг ёритилган. Лекин музей тасвирлари бу мавзу билан чекланмайди. Унда қўйилган нодир буюмлар шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини бутун мукаммаллиги билан гавдалантиришга қаратилгандир. Навоий асарларининг турли даврларда кўчирилган қўлёзма нусхалари ва нашрлари, унинг сиймоси тасвирланган санъат асарлари, ҳаёт йўлини ифодаловчи кўргазмалар, далил ва ҳужжатлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотмасдан қолмайди.

Музей дорилфунун хиёбонида қурилганлигининг ўзига хос рамзий маъноси бор. Биринчидан, музейнинг бир ёнида ўзининг 70 йиллик тўйини ўтказишга тайёргарлик кўраётган Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети, иккинчи ёнида эса шоирнинг буюк сиймоси акс этган салобатли ҳайкал қад кўтариб турибди.

Эндиликда музейда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги дарс соатлари, улуғ шоирга бағишланган адабий анжуманлар, мушоира кечалари ўтказиладиган бўлди.

**Раҳмонқул ОРЗИБЕКОВ,**
**СамДУ профессори.**
**Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ,**
**СамДУ доценти.**
**Суратда: музейнинг умумий кўриниши.**
**Тасвирчи: А. ХАРИТОНОВ.**

# ҚАРҒАНИНГ ИШИ

## Тадқиқотчи, таржимон Исматуллоҳ Абдуллаевга ОЧИҚ ХАТ

Ҳурматли Исматуллоҳ ҳожи Абдуллаев!

Кошкийди, кейинги тадқиқот ва таржимангиз Абу Мансур ас-Саолибий ан Найсобурий (ан-Нишопурий)нинг «Ажойиб маълумотлар» (А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти — 1995, муҳаррир — А. Файзулла, нусхаси 10 минг) қўлимга тушмасайди. Афсус! Бу китобни ўқимас ҳам эдим-у, ЮНЕСКО ва Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг Бухоро ва Хива (Хоразм) шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган қарорлари муносабати билан кўплаб адабиётлар қарашга тўғри келди. Тўғри, Ас-Саолибийнинг ўн бир бобдан иборат китобининг дастлабки икки боби ўқувчига анча янгилик беради. Қолган бобларда эса «Шеърлари туфайли лақаб олган араб шоирлари ҳақида» (керакмиди, шу бизга? Н. А.) «Машҳур кишилар, аъёнлар ва шулар кабиларга тегишли бошқа ислом(?) лақаблари ҳақида», «Жамики табақаларнинг энг ирқлилари ва турли ҳолдаги (?) мутаносибликлари зикри» сингари (китобхон ўқимаса ўлиб қолмайдиган) тафсилотлардан иборат. Хўп, буларга ҳам чидаса бўлади. Аммо китобнинг ўнинчи — «Мамлакатларнинг ўзига хос гўзаллиги ва камчиликлари ҳақида»ги бобини ўқиб... Очиғи, ёши бир ерга борганда одамнинг бу қадар тубан нарсаларга аралашиб қолганига ачиндим. Жумладан китобнинг 98-бетида шундай сатрлар бор: «Бухоро. Исмоил ибн Аҳмад айтар экан: Бухоро ички томонининг торлиги ва ифлослигини, атрофининг эса ёқимлиги ва чиройлилигини инсон ички томонининг қабиҳлиги ва ташқи томоннинг чиройлигигига ўхшатаман, холос. Одамлар уни жуда кўп қойиб ёзганлар. Бу хусусда айтилганлардан энг ажойиби Абут-Тайийб ат Тоҳирийнинг шу сўзидир: Билгилки, Бухоро сўзининг «Бо» ҳарфи ортиқча, аввалги «алиф» эса фойдасиз. У ҳақиқий нажосатнинг ўзи, унда яшовчилар эса унинг қафасидаги ёввойи қушлар кабидир. Сўнг изоҳ берасиз: «Агар Бухоро сўзидан «б» ва «алиф» ҳарфларини олиб ташланса «хор» қолади, бу «нажосат» демакдир».

Астағфуруллоҳ! Бу ҳам етмагандек Сиз яна Абу Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Китобнинг «Жирканч тешик» ҳақидаги фикрини «Йатимат ад-даҳр» китобидан излаб топиб, муаллифнинг бошқа асари «Латоиф ал-маориф» китобига зўрлаб киритасиз. Сиз «ажойиб» дея завқ билан таржима қилган матнни биз алҳазар, дея бу ерда такрор кўчиришни ўзимизга эп билмадик. Очиғи, Бухоройи шарифда макон топган азизларнинг пок руҳларини безовта қилгимиз келмади.

Бу ҳам майли. Бутун жаҳон бўйлаб 2500 йиллиги нишонланадиган яна бир қадим юрт Хива (Хоразм) ҳақида Сиз тадқиқ ва таржима қилган китобнинг 102-бетида жумладан шундай сатрлар бор: «Абул-Ҳасан ал-Лаҳҳомнинг Хоразм аҳли ҳақидаги шеъри: Хоразм аҳли Одам Ато авлодларидан эмас. Худо ҳаққи, улар ҳайвоннинг ўзи. Уларнинг бошлари, тили, сифат ва киймига ўхшашини оламда кўрганмисан? Агар отамиз Одам уларни болам деб қабул этса, отамиз Одамдан мен воз кечаман».

Энди Сизга бир савол, Исматуллоҳ домла, маънавиятимизга Муҳаммад Исмоил ал-Бухорий, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Наршахий, Баҳоуддин Нақшбанд... яна етти пирни берган Бухоройи шариф ер юзидаги етти шариф шаҳарнинг бири, «Қуббатул ислом» «Ислом гумбази» унвони билан улуғланган Бухоро номи наҳотки Ўрта асрларда ўтган тайини йўқ бир муллавачча, ёки мўйнафурушнинг кимлардандир «жабр» кўриб берган баҳосига лойиқ бўлса?! Айтайлик, эҳтимол у қоронғу ҳужрада иймонсиз бир бўзболадан азият чекиб, ўз шахсий фикрини ёзиб қолдиргандир. Лекин Сиз қайси бухоролик ёки хоразмликдан жабр кўргансиз?! Китобдан китобга кўчиришдан мақсадингиз нима? Ахир Бухоро атамасида нима айб? Бутун араб дунёси Ўзбекистондан борганларнинг ҳаммасини бухоролик дея улуғлашади-ку?! Буни бошқалар билмаса-да ҳожи сифатида ўзингиз кўриб келгансиз-ку!

Ёки башариятга Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Қутб Хоразмий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Огаҳий ва яна ўнлаб сиймоларни берган Хоразм тупроғи наҳотки ўн аср аввал ўтган бир келгинди, субутсизнинг баҳосига муҳтож бўлса?!

Тағин «Абу Аҳмад ал-Котиб ҳақида 3-боб 101-изоҳга қаранг» дейсиз. Кундузи чироқ ёқиб қидирсак ҳам ўша ишратзада муллаваччанинг шахсини аниқлай олмадик. Чунки китобда 101-изоҳнинг ўзи йўқ.

Ҳожи Исматуллоҳ, Сиз каби «зукко» олим, тадқиқотчининг таржима қилиб берганингиз мумтоз адабиётнинг мумтозлиги, латиф (латоиф) адабиётнинг латифлиги шуми? Қани бу ерда тадқиқотчи сифатида Сизнинг нуқтаи назарингиз? Араб тилини биларканман, деб истаган ишингизни қилаверасизми? Китобхонлар Сиз ўйлаганчалик кўпам анойи эмас: косачангиз остидаги корсон косани кўриб туришибди.

Хуллас, Сизнинг бу «ноёб» ишингиз ўттиз беш тийинлик қаламнинг ҳам уволига қолди. Чунки камина ушбу мақолани ёзиб бўлгач, Сиз тап тортмай ёзган сўзларнинг айримларини такрор ёзгани учун қалам шўрликни синдириб ташладим. Бировлар, шу шартмиди, дейиши мумкин. Шарт эмас, зарур деб биламиз. Зеро Сизга ўхшаган олим ва таржимонлар ўтмиш тарихни ковлаштирганда нуқул ахлатга маҳлиё бўлмасинлар, дедик. Гўнг керак бўлса, уни муқаддас тупроғимиздан, Шарқ дурдоналари — Бухорою Хоразм тарихидан эмас, бошқа ердан изланг.

Қарғанинг ишини қилибсиз-а, домлажон!..

**Неъмат АМИНОВ,**
**республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари.**

# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР СЎРАЙДИКИ...

**_— Хусусийлаштирилган ер участкаларидан ҳам ер солиғи ундириладими?_**

**Қ. ХОТАМОВ,**
**Бухоро вилояти.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ер солиғи тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ ўз тасарруфида фойдаланиладиган ер участкаларига эга бўлган бирлашма, корхона, ташкилот, муассаса, жамоа, давлат ва фермер хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, чет эл юридик шахслари ҳамда уларнинг ташкилотлари, бўлимлари, филиаллари, шу жумладан, қўшма корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган филиаллари, шунингдек; Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ер солиғи тўловчилари ҳисобланадилар.

Ер учун ҳақ ҳар йили ер солиғи шаклида ундирилади.

***

**_— Муқобил ҳарбий хизматдагиларнинг оилалари ер солиғи бўйича имтиёзларга эгами? Улар ҳам Мудофаа вазирлигига қарашли бўлиб, 1,5 йил хизмат қилишади-ку?_**

**Х. РАҲМОНОВ,**
**Самарқанд вилояти.**

Фақат муддатли ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ер солиғи тўлашдан озод этилади. Ўзбекистон Республикаси «Ер солиғи тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддаси 3-бандига мувофиқ муқобил хизматдагиларнинг оилалари бундай имтиёзга эга эмаслар.

***

**_— Савдо шахобчалари сотилаётганда у жойлашган ер майдони ҳам қўшиб олинади. Шунда қанча жойни сотиб олиш мумкин — бир сотихми, ўн сотихми? Буни белгиловчи меъёрий ҳужжат борми?_**

**Т. ҲАМДАМОВ,**
**Фарғона вилояти.**

Амалдаги қонунларга мувофиқ савдо шахобчалари у жойлашган ер майдони билан қўшиб сотилиши мумкин. Бунда савдо шахобчаси жойлашган ер майдони маҳаллий ҳокимият томонидан қанча миқдорда ажратилган бўлса, ўша миқдорда сотилади. Сотилаётган савдо шахобчасига тегишли ер майдонининг миқдори маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланади.

***

**_— Корхона ва ташкилотлар ўзининг биноси жойлашган ерни ҳам ижарага бериши мумкинми?_**

**А. САИДОВ,**
**Тошкент шаҳри.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги Қонунининг 18-моддаси биринчи қисми 6-бандига мувофиқ корхона ва ташкилотлар ўзининг биноси жойлашган ерни маҳаллий ҳокимиятнинг қарори билан бошқа ташкилотларга ижарага бериш ҳуқуқига эгалар.

***

**_— Маҳалла қўмиталари фуқароларга тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун рухсат бера оладиларми? Айрим одамлар шунақа дейишяпти._**

**Н. ҚУДРАТОВ,**
**Тошкент шаҳри.**

Маҳалла қўмиталарида бундай ҳуқуқ йўқ. Фақат маҳаллий ҳокимликлар фуқароларга тадбиркорлик билан шуғилланишлари учун рухсат бериш ҳуқуқига эгалар. Маҳалла қўмиталари эса ўз ваколатлари доирасида тадбиркорликка қўмак беришлари мумкин.

## ЗАРАФШОНДА ЯПОН ТЕЛЕВИЗОРИ

Зарафшон шаҳридаги «Комила» фирмаси Япониянинг «Шиваки» фирмаси билан ҳамкорликда шу номдаги дўконларини очди.

Уларда япон телевизорлари, видеоаппаратлар, музлатгичлар, кичик нон ёпиш цехлари, маданий-маиший жиҳозлар ва бошқа маҳсулотлар сотилмоқда.


# "ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"

**Ўзбек-Беларус қўшма корхонаси**
**Тошкентдаги омборидан:**

- *МАЗ туркумига кирувчи автомобиллар ва улар учун эҳтиёт қисмлар;*
- *ЯМЗ-238 2М, Д-245 ва Д-243 (МТЗ тракторлари учун) маркали двигателлар;*
- *МАЗ-8378 маркали (соябони билан) тиркамалар;*
- *320/508 маркали автошиналар;*
- *қишлоқ хўжалик машиналари учун шиналар сотади.*

**Шунингдек, МАЗ, БелАЗ машиналари, МТЗ тракторлари ва уларнинг эҳтиёт қисмларини майда чакана-улгуржи тарзда сотиш учун буюртмалар қабул қилади.**

***Тўлов шакли - сўмларда, пул ўтказиш йўли билан.***

**Манзил: Тошкент, Ойбек мавзеси, 2/3.**
**Телефонлар: 54-99-19, 54-69-72, 54-88-11. Факс: 55-94-11.**

**"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" МАҲСУЛОТЛАРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТИЛАДИ.**

AGAMA

Ўзбекистон ва Россияда қарийб уч йилдан буён "Агама" фирмасининг устки трикотаж кийимларини ёктириб харид қилишмоқда. Молнинг сифати,безаклари харидорларга,айниқса, маъқул келмоқда.

**"АГАМА"**
*қўшма корхонаси*

**БОЛАЛАР ВА КАТТАЛАРГА АТАЛГАН ТРИКОТАЖ МОЛЛАРИНИНГ БИР ҚАНЧА ТУРЛАРИНИ СИЗЛАРГА ТАВСИЯ ЭТИШДАН МАМНУНДИР:**
*ҚОМАТГА ЁПИШИБ ТУРАДИГАН ЁҚАСИЗ,ТУГМАСИЗ ФУФАЙКА (ПУЛОВЕР),СВИТЕР,КЎЙЛАК,КАМЗУЛ,КАРДИГАН, ШАРФ,СПОРТЧА БИЧИМДАГИ ПАЙПОҚЛАР.*

**БИЗ СИЗЛАРНИ ЗАРАФШОН, УЧҚУДУҚ, КРАСНОГОРСК ВА АЛБАТТА, ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ**
*БОБУР КЎЧАСИ, 15-УЙДА*
ЖОЙЛАШГАН ФИРМА ДЎКОНЛАРИМИЗДА УЧРАТИШДАН ҒОЯТ МАМНУН БЎЛАМИЗ.
*УЛГУРЖИ ХАРИДОРЛАР БУЮРТМА ҚИЛИШЛАРИ УЧУН 100 ДАН ЗИЁД МОДЕЛЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТИШГА ТАЙЁРМИЗ.*



**Алоқа учун телефонлар:**
ТОШКЕНТ - (3712) 55-74-73, ФАКС (3712) 55-73-12;
ЗАРАФШОН - (43657) 4-47-20, ФАКС (43657) 4-14-65;
НАВОИЙ - ТЕЛ./ФАКС: (43622) 5-80-06;
ОБНИНСК (РОССИЯ) - (08439) 7-06-88.


СПОРТ · СПОРТ · СПОРТ · СПОРТ · СПОРТ · СПОРТ · СПОРТ

# «НЕФТЧИ» ТУРНИР ҒОЛИБИ

Фарғонада вилоят ҳокимлигининг соврини учун футбол бўйича анъанавий турнир бўлиб ўтди.

Бир ҳафта давом этган беллашувда вилоятнинг республика чемпионатида қатнашаётган жамоаларидан ташқари Нижний-Тагилнинг «Уралец», Қизилқия шаҳрининг (Қирғизистон) «Семетей» жамоалари иштирок этди.

Жамоалар иккита гуруҳда нуфузли соврин учун кураш олиб боришди. Ўз гуруҳларида ғолиб чиққан «Уралец» ва Фарғонанинг «Нефтчи» жамоалари бош соврин учун финалда ўзаро куч синашдилар. Ишқибозлар футболни соғиниб қолишган экан, «Нефтчи»нинг Қиргулидаги база стадионига минглаб ихлосмандлар ташриф буюришди. Финал ўйини кескин кураш остида ўтди. Ҳар икки бўлимда биттадан тўп киритган «Нефтчи» ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Балиқчи туманида спортнинг оммавийлигини таъминлашга, Президентимиз фармони асосида футболни ривожлантиришга эътибор кучайтирилмоқда. Ҳозир Балиқчининг 2 та футбол жамаси — «Чинободчи» ва «Матлуботчи» Ўзбекистон биринчилигида муваффақиятли қатнашиб келмоқда.***

***Айни кунларда футбол жамоалари мавсумга пухта ҳозирлик кўришмоқда. Ўйингоҳлар талаб даражасида таъмирланмоқда.***



***Суратда: «Чинободчи» футбол жамоасининг энг яхши ўйинчилари Д. Ҳакимов, У. Ҳудойқулов, М. Сарисмоқовлар.***

***Тоҳир ҲАМРОҚУЛ олган сурат.***




ХАЛҚ СЎЗИ · НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир:**
**Анвар ЖЎРАБОЕВ.**

***БЎЛИМЛАР:***
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Мерос ва қадриятлар 36-29-89;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

**· МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.**

Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — Ш. Каримов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0139. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топшириш вақти—21.00** **Таҳририятга ҳажми 7-қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 21.30.** 1 2 3 4 5 6